



**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ПАНКРЕАТИТ КАСАЛЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ -
ГИГИЕНИК ҲОЛАТИ.**



Эшметов Шухрат Рузметович

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Урганч давлат тиббиёт институти

shukhrat2108@mail.ru

Eshmetov Sh.R. <https://orcid.org/0000-0002-8156-0880>



Батиров Давронбек Юсупович

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Урганч давлат тиббиёт институти

dbatirov@yandex.ru

Batirov D.Y. [https:// orcid.org/0009-0004-3724-2334](https://orcid.org/0009-0004-3724-2334)



Умаров Зафарбек Зарипбоевич

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Урганч давлат тиббиёт институти

doctor_uzz1986@mail.ru

Umarov Z.Z. [https:// 0009-0002-6298-9144](https://0009-0002-6298-9144)

АННОТАЦИЯ

Мақолада гепатопанкреатобилиар тизими, жумладан ўткир ва сурункали панкреатит касаллигининг Хоразм вилояти аҳолиси орасида тарқалиши ва касалликнинг беморлар ёши ва жинсига кўра учраши статистик маълумоларга асосан ўрганилган. Бу касаллик билан оғриган беморлар сонининг йилдан йилга ошиши ва унинг сабаблари кўрасатилган.

Калит сўзлар: Гепатопанкреатобилиар тизим, ўткир ва сурункали панкреатит, овқатланиш рақиси, кам ҳаракат, семизлик, модда алмашинувининг бузилиши

АННОТАЦИЯ

В статье изучена распространенность заболевания гепатопанкреатобилиальной системы, включая острый и хронический панкреатит, среди населения Хорезмской области, а также распространенность заболевания среди пациентов по возрасту и полу на основе статистических данных. Изучены причины роста заболеваемости и его причины.



Ключевые слова: Гепатопанкреатобилиарная система, острый и хронический панкреатит, малоподвижность, ожирение, нарушение обмена веществ.

ABSTRACT

The article is organized based on statistics on the prevalence of hepatopancreatobiliar system, including acute and chronic pancreatitis among the population of the Khorezm region, and the incidence of the disease according to the age and sex of patients. The increase in the number of patients with this disease from year to year and its causes are indicated.

Keywords: Hepatopancreatobiliary system, acute and chronic pancreatitis, lack of mobility, obesity, and metabolic disorders.

КИРИШ

Хорижий муаллифларнинг маълумотларига кўра, Ғарбий Европа мамлакатларида сурункали панкреатитнинг (СП) тарқалиши 100000 аҳолига 25,0-26,4 ҳолатни, маҳаллий нашрлар таҳлил қилинганда, касалланиш даражаси тахминан икки барабар юқори – 100000 аҳолига 27,4-50 ҳолатни, бутун дунёда эса – йилига 100000 аҳолига 1,6-23 ҳолатни ташкил қилади [1,3]. Таъкидлаш жоизки, сўнгги 30 йил ичида ўткир ва сурункали панкреатит билан касалланиш икки баробардан кўпроққа ортди [2,3]. Ривожланган мамлакатларда ташхис қўйилган вақтдаги беморларнинг ўртача ёши 50 дан 39 ёшгача пасайган, касалланганлар орасида аёллар улуши 30% га ошган ва беморларнинг бирламчи ногиронлиги 15% га етади. Ташхис тасдиқлангандан кейинги ўлим кўрсаткичи биринчи 10 йил ичида 20% гачани, 20 йилдан кейин эса 50% дан юқорини, ўртача 11,9% ни ташкил қилади [3].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Хоразм вилояти республикамининг шимоли -ғарбида жойлашган. Бу ҳудуд ҳозирда экологик жиҳатдан носоғлом саналади. Орол денгизининг қуриши нафақат табиатга, балки шу яқин атрофда жойлашган туманлар аҳолисининг саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатапти. Баъзи тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, 1999-2014 йилларда тупроқнинг минераллашуви 4 маротабадан кўпроқ ошганлиги кузатирилган [3].

Кейинги йиллар давомида Хоразм вилоятида ҳар хил касалликларнинг, шу жумладан ошқозон-ичак тизими касалликлари 3,5 баробар, гепатопанкреатобилиар тизими касалликлари 8 баробар ўсганлиги қайд этилган [2,4,6].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўткир ва сурункали панкреатит касаллигининг тарқалишини ўрганишда Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Урганч шаҳар ва Урганч тумани даволаш профилактика муассасаларининг статистик маълумотларига асосланилди (2015-2024 йй). Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, Хоразм вилояти аҳолиси орасида ўрганилган йиллар давомида панкреатит билан касалланиш даражаси ҳар 10000 аҳолида 34,1 дан 66,6 гача ошган (1-жадвал).

1-жадвал

2015-2024 йилларда Хоразм вилояти аҳолисининг гепатопанкреатобилиар тизими билан касалланиш динамикаси (ҳар 10000 аҳолига)

Йиллар	Гепатопанкреато билиар тизими касалликлари	Панкреатит	Панкреатитнинг солиштира микдори (%)
2015	75,4	34,1	45,3
2016	77,4	36,8	47,6
2017	144,8	66,6	45,9
2018	91,56	40,6	44,3




TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI
1-TOM, 3-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

2019	137,2	62,0	45,2
2020	112,4	52,1	46,3
Ўртача йиллик кўрсаткич	106,46	48,7	45,8

Аҳоли ўртасида панкреатит касаллиги билан оғриш йилдан йилга ҳар 10000 аҳолига 3,6 га ошган. Хоразм вилояти аҳолиси орасида панкреатит билан касалланиш ўзига хос ўсишга эга. Икки йил давомида (2015-2017 йй) ушбу кўрсаткич 2 баробарга ($P<0,01$) ўганини, айти пайтда 2018 йилда 1,6 баробарига ($P<0,01$) пасайганлигини кузатдик. Касалликнинг ўсиши ёки пасайиш кўрсаткичи диагностиканинг самарадорлигига боғлиқ. Умуман олганда кейинги йилларда вилоятда панкреатит билан оғриш кўрсаткичи 1,5 баробарга ўсган ($P<0,01$).

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу ҳудудда панкреатит билан касалланиш нисбати аёлларда 56,9% ва эркекларда 43,1 (1:1,3) эканлиги қайд этилди, ўткир билиар панкреатит билан касалланиш эркекларга қараганда, аёлларда кўпроқ учради, улар ўртасидаги ўртача нисбат 1:4 ни ташкил қилди. Панкреатит билан оғриган беморларнинг сони ёш ўтиши билан кўпаймоқда (1-расм).



1-расм. Панкреатит аниқланган беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши.

Катта ёшда ўткир ва сурункали панкреатит билан касалланишнинг кўплигига сабаб, овқатланиш рационининг ўзгарганлиги, кам ҳаракат қилганлик, семизлик ва модда алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ. Қариялар орасида (75 ёш ва ундан катта) панкреатитнинг жуда кам учраши гиподиагностика билан боғлиқ. Айрим муаллифлар [1,2,3,4] таъкидлашадики, ўткир панкреатитнинг клиник кўриниши қарияларда бошқача кечади, кўп ҳолларда унинг клиник кўриниши ва қорин соҳасидаги патологоанатомик ўзгаришлар бир - бирига мувофиқ келмайди. Бу айниқса, организмнинг кексайиши даврида эндокрин, асаб ва қон томирлари тизими томонидан бўладиган ўзгаришларга боғлиқ.

Панкреатит билан касалланиш муаммосининг аҳамияти унинг айти ишга лаёқатли ёшда учраши ва касаллик натижасида вақтинча ва доимий меҳнатга яроқсизлик юқори даражада эканлиги билан белгиланади. Панкреатит билан оғриган беморларнинг ярмидан кўпи



(55,8%) 20-59 ёшда. Динамикада турли ёш гуруҳларида панкреатит билан оғриган беморлар ўртасида фоиз нисбатига кўра сезиларли фарқ қилинмайди. Уларнинг ўртача ёши 50,3 ёшни ташкил қилади.

Аниқланишича 45,6% беморлар анамнезида панкреатит билан 2-20 йилгача оғришган, бу йиллар давомида улар тез-тез шу соҳа даволаш муассасаларига мурожаат қилишган ва стационарларга ётқизилган.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, ўтказилган изланишлар шуни кўрсатадики, ўрганилган йиллар (2016 - 2024 йй.) давомида Хоразм вилояти аҳолиси орасида панкреатит хасталиги билан касалланиш ҳар 10000 аҳолига 34,1 дан 52,1 гача ошган. Панкреатит билан касалланишнинг ўсиши, унинг такрорий характер билан узок кечиши, беморларни диагностик текширувнинг қийинлиги, катта кўламдаги малакали жарроҳлик аралашуви, операциядан олдин ва ундан кейинги асоратларнинг учраши, панкреатобилиар йўллари касалликларини фавқулотда муҳимлигини ва беморларга малакали ёрдам беришни такомиллаштиришни кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Коханенко, Н. Ю., Вавилова, О. Г., Павелец, К. В., Кашинцев, А. А., Моргошия, Т. Ш., Накопия, Г. Г., Данилов, С. А., Радионов, Ю. В., Ильина, М. А., Шенгелия, Л. Г., Перминова, А. А., & Эшметов, Ш. Р. (2023). Ускоренная послеоперационная реабилитация при хроническом панкреатите. *Анналы хирургической гепатологии*, 28(2), 41–49. <https://doi.org/10.16931/1995-5464.2023-2-41-49>
2. Коханенко, Н. Ю., Глебова, А. В., Вавилова, О. Г., Кашинцев, А. А., Калюжный, С. А., & Эшметов, Ш. Р. (2021). Этапное хирургическое лечение больного хроническим панкреатитом. *Анналы хирургической гепатологии*, 26(3), 149–155. <https://doi.org/10.16931/1995-5464.2021-3-149-155>
3. Эшметов, Ш. Р., & Ботиров, Д. Ю. (2023). Сурункали панкреатит касаллигини хирургик усулда даволашга замонавий ёндашув. *Тиббиётда янги кун*, 3(53), 25–31.
4. Эшметов, Ш. Р. (2024). *Сурункали панкреатит касаллигини жарроҳлик усули билан даволашга замонавий ёндашув: диссертация (PhD)*. Андижон, 131 б.
5. Эшметов, Ш. Р. (2023, 17 май). *Сурункали панкреатит касаллигини жарроҳлик усули билан даволашга замонавий ёндашув* (ТТА Urganch filiali ekspert kengashi, 33-son qaror bilan tasdiqlangan). [Ichki institutsional hujjat].
6. Батиров, Д. Ю., Янгибаев, З. Р., Рахимов, А. П., & Янгибаев, О. З. (2021). *Симультанные патологии органов брюшной полости при желчекаменной болезни (совершенствование методов хирургического лечения)* [Монография], 9–112.